

ИШЧИ КУЧИ БОЗОРИ ИҚТИСОДИЙ КАТЕГОРИЯ СИФАТИДА

Холмирзаева Махлиё Зарифжон қизи

Ўзбекистон Миллий Университети Иқтисодиёт факультети

Иқтисодиёт йўналиши 4-босқич талабаси

makhliyokholmirzaeva@gmail.com

Аннотация. Жамиятда яратилаётган ялпи ички маҳсулот фақат ишлаб чиқаришнинг моддий-ашёвий омилларигагина эмас, балки инсон капитали, яъни ишчи кучи омилига бевосита боғлиқдир. Инсоннинг ёши ва меҳнатга бўлган қобилияти унинг ишчи кучи ресурслари таркибига киритилишида асосий талаб бўлиб ҳисобланади.

Калит сўзлар: ишчи кучи, меҳнат ресурслари, ишчи кучининг нафлилиги, ишчи кучининг фаол қисми, ишчи кучининг захирадаги қисми.

Аннотация. Создаваемый в обществе валовой внутренний продукт находится в прямой зависимости не только от материальных факторов производства, но и от фактора человеческого капитала, т.е. рабочей силы. Возраст и трудоспособность человека являются основными требованиями для включения его в состав ресурсов рабочей силы.

Ключевые слова: рабочая сила, трудовые ресурсы, производительность труда, активная часть рабочей силы, резервная часть рабочей силы.

Abstract. The gross domestic product created in society is directly dependent not only on the material factors of production, but also on the factor of human capital. A person's age and ability to work are the main requirements for his inclusion in the labor force resources.

Key words: labor force, labor resources, labor force productivity, active part of the labor force, reserve part of the labor force.

Бозор муносабатлари шароитида давлат иқтисодиётга аралашиб, бозор механизмининг амал қилишига кўмаклашади ва аҳолининг салбий

оқибатлардан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўради. Давлатнинг мазкур фаолияти иқтисодий тартибга солишнинг умумий тамойилларидан келиб чиқади. Бу борада давлатнинг урта вазифаси алоҳида аҳамиятга эга:

1. Даромад ва бойликни қайта тақсимлаш.

2. Ресурсларни қайта тақсимлаш.

3. Иқтисодий барқарорлаштириш, яъни иқтисодий тебранишлар вужудга келтирадиган инфляция ва бандлик даражаси устидан назорат қилиш ҳамда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш.¹

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг бош мақсади иқтисодий барқарорликни таъминлаш, соҳалар ва тармоқларда рақобатбардошлиликни ривожлантириш ҳамда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлик даражасини оширишдан иборат. Таъкидлаш жоизки, аҳолининг иқтисодий фаровонлик даражаси мамлакат аҳолиси турмуш тарзи, меҳнат билан бандлик кўрсаткичи, даромад манбаи каби бир қанча омиллар билан изоҳланиб, иқтисодийда бу каби кўрсаткичларнинг юқори бўлишида меҳнат бозоридаги ишчи кучи категорияси ҳам муҳим аҳамият касб этади. Транзит иқтисодий, яъни бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни тартибга солиш ва уни мувозанатга келтиришдаги саъй-ҳаракатлар долзарб масала бўлиб ҳисобланади.

Жамият иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётининг муҳим соҳаси бўлган меҳнат бозорининг асосий субъектлари меҳнат бозоридаги иштирокчилар бўлиб, бозорнинг самарали амал қилиши ишлаб чиқариш имкониятларига эга бўлган ёки уни кенгайтиришни мақсад қилган субъектлар ва ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлмаган, меҳнат билан банд

¹Эгамбердиев Ф.Т., Абдуазизов Д. Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари.// Иқтисодий барқарорликка эришишда модернизациялаш ва иқтисодий мутаносибликларни таъминлаш муаммолари. Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами – Тошкент. 2016.

бўлмаган субъектларнинг мавжудлиги, шунингдек, улар ўртасида амалга ошириладиган иқтисодий фаолият бозорнинг асосий шартларидан бири бўлиб ҳисобланади. Баъзи мутахассислар меҳнат бозори ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни ифодаловчи механизмдир десалар, бошқа бирлари меҳнат бозори фақатгина ишчи кучига бўлган талабни қондириш учун шароит яратади деб ҳисоблайдилар. Меҳнат бозорининг моҳияти, роли ва аҳамияти таниқли иқтисодчи олимлар А.Смит, Д.Рикардо, Ж.Кейнс, М.Фридман ва бошқалар томонидан ўрганилган.

С.Й.Рошин ва Т.О.Разумоваларнинг таърифига кўра, «меҳнат бозори меҳнатга талабни ва меҳнатга таклифни ўзаро ҳаракатлантирувчи, бозор механизми ва белгилари асосида меҳнат ресурсларини тақсимлашдир»²

П.Э.Шлендер ва Й.П.Кокиннинг фикрича, «меҳнат бозори- бозор иқтисодиётининг таркибий қисми бўлиб, ёлланма ишчи кучи ва иш берувчилар манфаатлари келишилган жамият алоқалари ижтимоий тизимини билдиради».³

Д. Раҳимова ва О.Абдурахмоновалар таъкидлайдиларки, «меҳнат бозори ишчи кучини сотувчи ва харидори, унинг қийматини белгилайдиган ва таклиф этилувчи меҳнат хизматларини тақсимлайдиган муҳитни тавсифлаш имконини берадиган категория, аналитик конструкция, деб тушунилиши ҳам мумкин».⁴

Юқорида келтирилган бир қанча таърифлардан хулоса қилиш мумкинки, «меҳнат бозори» тушунчаси ишчи кучи хариди ва унинг ишлатилишини ўз ичига олиб, у ишчи кучи ва иш ўринлари бозоридан иборатдир. Меҳнат муносабатлари амал қилишининг муҳим шарти ишчи кучи ва бўш иш

²Рошин С.Ю., Разумова Т.О. Экономика труда. Экономическая теория труда. Учебное пособие - М.: Инфра М. 2007. (серия "Высшее образование") - С.376.

³Экономика труда: Учебник/Под.ред.проф. П.Э.Шлендра, проф. Ю.П. Кокина – М.: Юристъ 2008. - С.92

⁴Раҳимова Д., Абдурахмонов О. Ўзбекистонда меҳнат бозори ва таълим тизимининг бошқарилишида ўзаро алоқадорлик. // Таълим менежменти. -2007 йил 6-сон . -Б.35.

ўринларининг мавжудлиги ҳисобланиб, меҳнат бозори ишчи кучини сотиш, сотиб олиш, ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуидир. Меҳнат бозорида ишчи кучи шаклланади ва корхоналар, тармоқлар ва соҳалар доирасида тақсимланади. Ишчи кучи категорияси инсоннинг жисмоний ва ақлий қобилиятлари йиғиндиси бўлиб ҳисобланади.

С.Й.Рошин ва Т.О.Разумоваларнинг фикрига кўра, «ишчи кучи»- иқтисодий фаол аҳолига хос бўлиб, ўз иш хизматини таклиф қилувчи ишловчилар йиғиндисидир.⁵

Б.М.Генкиннинг таърифига кўра, «ишчи кучи»- инсоннинг меҳнат қилиш лаёқати деб тушуниш қабул қилинган, яъни унинг жисмоний ва интеллектуал қобилиятлари йиғиндиси, улар ишлаб чиқаришда қўлланилиши мумкин.⁶

Ишчи кучининг товар эканлигини қуйидагича илмий асослаш мумкин. Ишчи кучининг ҳам худди товар каби иккита хусусияти мавжуд:

Ишчи кучи қиймати - бу ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш ҳамда унинг сифатини ошириш жараёнларини етарли даражада таъминлаш учун зарур бўлган барча ҳаётий неъматларнинг жами қийматидир.

Ишчи кучининг нафлилиги - бу унинг капитал эгасининг фойда олишга бўлган эҳтиёжини қондириш лаёқатидир.

Ишчи кучи ресурслари - бу мамлакат аҳолисининг меҳнат фаолиятига лаёқатли бўлган қисмидир. Булар: 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар ва 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркеклар. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 77-моддасига мувофиқ, ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан

⁵Рошин С.Ю., Разумова Т.О. Экономика труда. Экономическая теория труда. Учебное пособие. - М.: Инфра М. 2010. (серия "Высшее образование") – С.376.

⁶Генкин Б.М. Экономика и социология труда. Учебник для вузов" – М.:Издательская группа НОРМА-ИНФРА М, 2013.–С.52.

рухсат берилади. Ўн беш ёшга тўлган болалар ота-онасидан бирининг ёки уларнинг ўрнини босувчи одамнинг ёзма равишдаги розилиги билан, тиббий кўриқдан ўтказиб ишга қабул қилинади .

Ишчи кучи ресурсларининг иккита тури фарқланади:

Ишчи кучининг фаолқисми–булар ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган шахслар.

Ишчи кучининг салоҳият қисми–булар ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётганлар ва вақтинчалик уй хўжалигида банд бўлганлар.

Жамиятда қанча ноз-неъматлар яратилиши ишчи кучи соҳибларининг миқдорий (меҳнат қилиш ёшидаги кишилар сони) ва сифат (ишловчиларнинг малака, маҳорат, билим ва тажриба) ўлчамларига бевосита боғлиқ бўлади.

Меҳнат бозорини шакллантириш мантиғи товар бозори пайдо бўлишининг асосий қонуниятларига ўхшашдир. Бозорлар ўртасидаги асосий фарқ бу меҳнат бозорида махсус товар, яъни ишчи кучи бўлганлигидадир. Меҳнат бозори шаклланиши учун қуйидаги иқтисодий муносабатлар шаклланган бўлиши керак:

1. Ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилувчи ва ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришлари мумкин бўлган кишилар мавжуд бўлишлари.

2. Ўзининг ишлабчиқариш воситаларига эга бўлмаган эркин кишилар ҳам мавжуд бўлишлари.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Раҳимова Д., Абдурахмонов О. Ўзбекистонда меҳнат бозори ва таълим тизимининг бошқарилишида ўзаро алоқадорлик // Таълим менежменти. - 2017 йил - 6-сон.
2. Экономика труда: Учебник/Под.ред.проф. П.Э.Шлендра, проф Ю.П. Кокина – М.: Юристь. 2010.
3. Рошин С.Ю., Разумова Т.О. Экономика труда. Экономическая теория труда. Учебное пособие - М.:Инфра М. 2010.

4. Генкин Б.М. Экономика и социология труда. Учебник для вузов” – М.: Издательская группа НОРМА-ИНФРА М, 2013.
5. Эгамбердиев Ф.Т. Абдуазизов Д., Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлар //Иқтисодий барқарорликка эришишда модернизациялаш ва иқтисодий мутаносибликлари таъминлаш муаммолари. Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция материалларитўплами – Тошкент. 2016.